Шарқ юлдузи

- NASR
- NAZM
- DRAMATURGIYA
- MUMTOZ ADABIYOT
- YOSHLAR DAFTARI
- JAHON ADABIYOTI
- ESTETIKA
- SAN`AT FALSAFASI
- ADABIYOTSHUNOSLIK



Sharq yulduzi

ISSN 0131 – 1832

5 / 2020

Ўзбек адабий танқидчилигининг тараққиёт босқичлари



Бойназар ЙЎЛДОШЕВ

Ўзбек танқидчилиги XX аср бошларидаёқ жаҳон эстетик тафаккури меваларидан кенг баҳраманд бўла бошлаган эди. Дастлаб Шарқ донишмандлари, сўнг Ғарб олимларининг адабий-танқидий ва фалсафий асарлари бу йўлда муносиб хизмат қилди. 30-йиллардан бошлаб жаҳон адабий-эстетик тафаккур оламига хос халқчиллик ғоялари, бадиий асарни ҳаёт ҳақиқатларига қиёслаш воситасида образлар дунёсини, ёзувчининг ўзига хос оламини таҳлил қилиш мезонлари ўзбек адабиётшунослиги ва адабий танқидчилигида кенг қўлланадиган бўлди. Бу ижобий жараён кейинги йилларда ҳам кучайиб борганини кўрамиз. Аммо шунга қарамай, 1917 йилдан 1991 йилга қадар бўлган катта бир тарихий давр шўролар замонида ўзбек адабиёти коммунистик мафкуранинг қаттиқ исканжаси остида бўлди. Бадиий адабиёт ва адабий танқид қарийб етмиш беш йиллик шўролар мамлакати ҳаётида юз берган ижтимоий-сиёсий ўзгаришларнинг ўзига хос бадиий инъикосига айланган бўлса-да, асосан, мафкура қуроли сифатида юз кўрсатди. Шўроларнинг ҳукмрон тазйиқи остида майдонга келган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар бадиий адабиёт ва адабий танқиднинг ҳам ўзига хос тараққиёт тамойилларини белгилаб берди: ёзувчиларни ҳаётни пардозлаб тасвирлашга, танқидчиларни эса адабий асарни кундалик сиёсат нуқтаи назаридан таҳлил қилиб, хулосалар чиқаришга ундади. Лекин, сиёсий-мафкуравий мезонларни илгари сурувчи соцреализм методи қанчалик ҳокимлик қилмасин, бадиий ижодда адолат тантанаси учун кураш ҳам тўхтаб қолмади. Бу даврларда адабиётнинг барча жанрларида етук асарлар ёзилди, бадиий маҳорат бобида маълум ютуқларга эришилди. Янги китобхон туғилди. Ҳар бир даврнинг ўзига хос бадиий йилномаси яратилди, жаҳон адабиёти тажрибалари кенг умумлаштирилди, ёзувчи ва танқидчиларнинг услуб ва маҳорат, назарий савияси юксала борди. Ўқувчининг эстетик дидини ўстирадиган кўплаб пишиқ бадиий асарлар ва илмий-тадқиқотлар яратилдики, бу ижобий ҳодисаларга адабий танқид ўз муносабатини фаол ва изчил билдириб келди. Айниқса, XX асрнинг 60-70-йилларида адабий танқидчилик ўзининг янги бир кўтарилиш жараёнини бошдан кечирганидан кўз юмиб бўлмайди. Шу ўринда яна бир мисол келтириш лозим кўринади. Ўзбекистонда биргина 1979 йилнинг ўзида адабиётшунослик ва адабий танқидга оид 35 та монография дунё юзини кўрганлиги ва уларнинг умумий ҳажми 300

Бойназар ЙЎЛДОШЕВ – 1946 йилда туғилган. Қарши давлат университетининг филология факультетини тамомлаган. "Қашқадарё бадиияти", "Насаф нафаси", "Уйғониш даври адабиёти ҳақида маърузалар", "Қардошлик туйғулари", "Адабий жараён: танқидчи услуби ва маҳорат муаммолари", "Адабий танқид тарихи", "Бадиий олам таҳлили" каби рисолалари нашр этилган.

босма табокдан иборат бўлганлигининг ўзи ҳам 60-70-йиллар адабий танқидчилиги оламида кўламли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилганлигидан гувоҳлик беради. Адабий танқид ҳукм суриб келган акдемизм исканжасидан иложи борича ўзини тортиб хилма-хил адабий-танқидий жанрлардан маҳорат билан фойдалана бошлади. Натижада танқидчи услуби, маҳорати, ёзувчи-танқидчи масалалари бўртиб кўрина бошлади.

60-70-йиллар адабиётшунослиги ва адабий танқидчилигида ютуқлар билан бир қаторда қатор нуқсонлар ҳам мавжуд эди. Айрим адабий-танқидий мақолаларда зиддиятли фикрлар ва бир-бирига қарама-қарши бўлган хулосалар ҳам кўриниб қоларди. Шунингдек, айрим танқидчилар томонидан айтилган зўраки ёки обдон ўйланмаган хулоса ва фикрларга китобхонни ҳадеб ишонтиришга ҳаракат қилиш ҳоллари ҳам учраб турди. Танқидчи билан китобхон ўртасида, ёзувчи ва танқидчи ўртасидаги зиддиятли, бир-бирини инкор этувчи субъективизм асосида тор, янглиш фикр ва хулосаларга ўралиб қолиш ҳолатлари ҳам мавжуд эди. Айниқса, 70-йиллар танқидчилигида баъзи бир бўш асарларни ошириб мақташга қаратилган тақриз ва мақолалар ҳам кўплаб эълон қилинди. Шунингдек, баъзи ҳолларда яхши асарларни атайин пастга уришлар, қилдан қийиқ ахтаришлар ҳам яққол кўзга ташланди. Жаҳон адабий танқидчилигида катта аҳамиятга эга бўлган системали таҳлил, матн поэтикаси маҳорати ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигида оз ривожланди, танқиднинг жанр хилма-хиллиги масаласига ҳам кам эътибор берилди. Адабий танқидий асарларни баҳолашда, тақриз ва мақолалар ёзишда схематизм ва шаблон кўринишлари ҳам тез-тез учраб турди. Ўзбек адабиётшунослигининг ҳали адабиёт назарияси муаммоларига жиддий ва чуқур кириб бора олмаганлиги, айниқса 60-йиллар адабий танқидчилигида баъзи бир хом, саёз фикрларнинг баён этилишига сабабчи бўлган бўлса, 70-йилларга келиб адабий танқид уфқи кенгая борди, янги бир босқичга кўтарилди, бадиий маҳорат сирлари эндиликда ҳар томонлама ўрганила бошланди. Танқидчиликда илмий савия сезиларли даражада ўса борди.

Маълумки, бадиий адабиётда ёзувчи маҳорати доимо долзарб, ҳеч қачон эскирмайдиган муаммодир. Шунга ўхшаш танқидчининг маҳорати, индивидуал услуби, таҳлил санъати, билими, иқтидори хусусида ҳам ҳар доим баҳслашиш мумкин. Танқидчининг маҳорати, ҳалоллиги ва холислигида гап кўп. Тегишли давр танқидчилиги тараққиётида илмий-назарий муаммоларнинг ҳал этилиши ва унинг тадрижий такомили борасида кўплаб таниқли адабиётшунос олимлар, адабий танқидчилар самарали меҳнат қилдилар, Матёқуб Қўшжонов таъбири билан айтганда, адабий танқид ҳаётга яқинлашди. Адабий танқид ва адабиётшуносликда тарихий-биографик монография ва адабий портрет яратиш борасида ранг-баранг изланишлар майдонга келди. Бу йилларда мумтоз шоирларнинг ҳаёти ва ижодини чуқур ўрганиш тамойили кучайди. Адабий жараёндаги ҳодисалар кўп ҳолларда қайта баҳолана бошланди. Адабий алоқаларни кучайтириш ва унинг бой қадимий тарихини ўрганишга кенг йўл очилди. Тарихийлик ва замонавийлик, анъана ва маҳорат масалаларини ёритиш борасида ҳам ўзбек танқидчилигида салмоқли илмий-тадқиқотлар юзага келди.

60-йилларга келиб адабиётшунослик ва адабий танқидчиликда мумтоз адабиётга нисбатан қўлланиб келинаётган догматик ва бир томонлама қарашларга барҳам берила бошланди. Бу борада ҳам илмий муҳитда жиддий ижобий ўзгаришлар юзага келди. Танқидчиликда эстетик таҳлил кучайди ва шунга мавофиқ илмий-тадқиқотларнинг кўлами ҳам янги бир босқичга кўтарилди. Танқидчиликда лирика ҳақида, лирик қаҳрамон муаммолари борасида бўлиб ўтган қизғин баҳс ва илмий-назарий мунозаралар, ҳам адабий танқид савиясининг юксалишига, ҳам шеърият ривожига катта таъсир кўрсатди.

Мазкур даврларга келиб адабий танқид фан сифатида олий ўқув юртлари талабалари томонидан кенг ўрганила бошланди. Танқидчининг ўзига хос илмий-

назарий изланишлари ва маҳорат қирраларини таҳлил этувчи кўплаб илмий-тадқиқотлар майдонга келди. Наср, назм, драматургия муаммоларини ечишда дадил изланишлар юзага келди. Шу тариқа ўзбек адабий танқидчилигининг ўз-ўзини англаш жараёни янада чуқурлаша борди. Адабий-танқидий жараён ва танқидчи маҳорати, унинг ўзига хос индивидуаллиги ва услуб ранг-баранглиги ҳақида илмий-тадқиқот ишлари майдонга кела бошлади. Ўзбек танқидчилигининг туғилиши ва шаклланишида муҳим ўрин тутган, шахсга сиғиниш даврида қатағон қилинган мунаққидларнинг ҳаёти ва танқидчилик фаолиятини атрофлича ўрганиш борасида ҳам кўплаб илмий-тадқиқот ишлари яратилди.

Маълумки, ёзувчи-танқидчи маҳоратининг ўзига хос илмий-назарий масалаларини ўрганиш жаҳон адабий танқидчилиги тарихи ва адабиётшунослиги илмида ҳар доим муҳим ўрин тутиб келган. Чунки дунёдаги машҳур ёзувчилар бадиий ижод билан бирга, адабиётшунослик ва танқидчилик илмининг назарий ҳамда амалий масалалари билан мунтазам шуғулланганлар. Машҳур адибларнинг адабий-танқидий қарашлари адабиёт оламидаги турли-туман ижодий изланишларни, зиддиятларни бутун мураккабликлари билан намоён этади.

Ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилиги тарихига назар солсак, Навоий, Бобур, Фурқат, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор, Ғафур Ғулом, Мақсуд Шайхзода, Комил Яшин, Миртемир, Асқад Мухтор каби машҳур сўз санъаткорлари ҳам бадиий ижод жараёнининг ўзига хос хусусиятлари ва назарий асослари ҳақида илмий-назарий ҳамда адабий-танқидий фикрлар баён этиб, рисолалар ва кўплаб илмий-танқидий мақоллар ёзганини кўрамиз. Мазкур ёзувчи-танқидчилар энг аввало, мунаққидлик маданиятининг юксалиши, китобхон билан танқидчи ўртасида ижобий муносабатларнинг ривожланишига муносиб ҳисса қўшдилар. Улар ёзувчи билан танқидчи ҳамкорлиги борасида ибрат намуналарини кўрсатдилар. Танқидчиликда ҳукм суриб келган сиёсий айб қўйишлар, дағдаға, адиб шахсини камситиш каби салбий кўринишларнинг барҳам топишида уларнинг хизмати катта бўлди. Ана шунинг учун ҳам ўткир санъаткорлик зеҳни ва қобилиятни ўзида мужассам этган ёзувчи-танқидчининг илмий қарашлари ва таҳлилларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки, ёзувчи-танқидчининг ижод сирларига бағишланган адабий-танқидий асарлари ҳам адабиётшунослик илмининг сифат-салмоғини янада ошувига хизмат қилди, қолаверса, ўқувчини ёзувчи ижодий дунёсига чуқур кириб бориши учун кенг имкониятлар яратди, чунки ёзувчи-танқидчи мулоҳазаларида, ўз ижод тажрибаларига омихта бўлган чуқур илмий хулосалар чиқаради.

Мазкур давр адабиётшунослиги ва адабий танқидчилигининг ривожига журнал ва газета саҳифаларида бадиий адабиёт ва адабий-танқидчиликнинг муҳим масалаларига бағишланган ёзувчи-танқидчи баҳс-мунозаралари ҳам салмоқли таъсир ўтказди. Бундай тадбирлар адабий жараён ва танқидчиликдаги ютуқ ва камчиликларни умумлаштиришда муҳим аҳамият касб этди. Ўзбек мумтоз ва XX аср, яъни янги давр адабиётининг атоқли намояндалари ижодини янгича талқинларини яратиш борасида ҳам катта илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилди. Қолаверса, Чўлпон, Фитрат, Сўфизода, Авлоний, Элбек, Ботуларнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш бобида ҳам дастлабки қадамлар ташланди.

Адабий танқиднинг яқин ўтмишдаги теран илмийлик, чинакам мантиқийлик бобида эришган ютуқларини таҳлил қилиш, шу билан бирга йўл қўйилган хато ва камчиликлар, бадиий адабиётга бир томонлама ва сохта ёндашувларнинг қай тартибда майдонга келганлиги хусусида баҳс юритиш бугунги кун адабий танқидини тўғри йўлга қўйишда асқотиши ўз-ўзидан аён. Қолаверса, XX аср 60-70-йиллар адабий-танқидчилиги босиб ўтган йўлни бугунги истиқлол ва мустақиллик тафаккури ва миллий мафкураси нуқтаи назаридан туриб тадқиқ қилиш келажак илмий-танқидий тафаккури учун янги имкониятлар очади.